

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 64483 на приобретение Иштихон тумандаги 2 сектор биносини жорий таъмирлаш ишлари учун

Способ проведения электронный

Дата 18.04.2022

Время рассмотрения 18.04.2022 18:11

Конкурсная комиссия Иштихон туман хокимияти, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	NEGMATOV SHUHRAT XUDOYBERDIYEVICH	Туман Хокими	Иштихон туман Хокимлиги
Секретарь комиссии	ISLAMOV UMID ERKINOVICH	Хоким уринбосари	Иштихон туман Хокими
Член комиссии	RUZIQULOV AKMAL SHUKUROVICH	Бош мутахассис	Иштихон туман Хокимлиги
Член комиссии	TURSUNQULOV O'KTAM TURDIQULOVICH	Хукукшунос	Иштихон туман Хокимлиги
Член комиссии	MURADOV ASLIDDIN BAHODIR O'G'LI	Архетиктор	Иштихон туман хокимияти
Член комиссии	QO'ZIYEV NURMAMAT BEGMATOVICH	Бош хисобчи	Иштихон туман Хокимияти

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.04.2022 года № лота 64483.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Иштихон тумандаги 2 сектор биносини жорий таъмирлаш ишлари учун
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	40 000 000.00
Стартовая сумма	40 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; «Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

Тип: Текстовое значение

Описание: солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; «Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SAXOVOTLI TEMUR OK	30	40000000	25	Экспертная		
ZOIR-MANSUR XK	30	«Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида қайд этилмаганлиги;	25	Экспертная		

Критерий №2 банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SAXOVOTLI TEMUR OK	20	40000000	15	Экспертная		
ZOIR-MANSUR XK	20	Банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги тугрисида илова килинди	20	Экспертная		

Критерий №3 Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали корхоналар рўйхатига киритилмаганлиги; қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги;

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали корхоналар рўйхатига киритилмаганлиги; қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги;

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SAXOVOTLI TEMUR OK	30	40000000	25	Экспертная		
ZOIR-MANSUR XK	30	Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги илов килинди	30	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
SAXOVOTLI TEMUR OK	40 000 000.00	40 000 000.00	15.04.2022 16:50:12	19.50
ZOIR-MANSUR XK	40 000 000.00	39 000 000.00	18.04.2022 08:33:40	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
SAXOVOTLI TEMUR OK	64.8	19.5	84.3
ZOIR-MANSUR XK	75.2	20	95.2

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 64483 от 18.04.2022 года на приобретение Иштихон тумандаги 2 сектор биносини жорий таъмирлаш ишлари учун определила победителем:

ZOIR-MANSUR XK
205899669

и резервный исполнитель: SAXOVOTLI TEMUR OK (301630189)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	NEGMATOV SHUHRAT XUDOYBERDIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MURADOV ASLIDDIN BAHODIR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	RUZIQULOV AKMAL SHUKUROVICH	Согласен	
Член комиссии	QO'ZIYEV NURMAMAT BEGMATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №64483

2022 йил "21" апрел

Иштихон шаҳри

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Иштихон туман Хокимияти номидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар Ш.Негматов бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «ZOIR MANSUR»ХК номидан Низом асосида иш юритувчи А.Умиров иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш ормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Халқ депутатлари Иштихон туман Кенгашининг 2022 йил 10-мартдаги VI-65-53-7-95-K22-сонли азорига асосан Иштихон туманидаги Митан курғонидаги 2-сектор биносини жорий таъмирлаш ишларини тайёр ҳолда топшириш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил "18"-апрелдаги 64483-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан 39000000 (Уттиз туккиз миллион) сўмни ташкил қилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга нуксон далолатномасига мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

нуксон далолатномасига мувофиқ қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш; қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш; қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни. ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини

таъминлаш, қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш; мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш; қурилиш майдони қуриқланишини таъминлаш; мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун муддатда мазкур шартномага нуксон далолатномасига мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига нуксон далолатномасига мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади олдиндан тулов 30% этиб белгиланган.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс ўтказиши, бу 11700000 (Ун бир миллион еттиз юз минг) сўм сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (нуксон далолатномаси).

16. Барча ишларни Пудратчи бажаргандан сўнг, Буюртмачи ишларни қабул қилиш далолатномаси тузади. Далолатнома имзолангандан сўнг, 5 банк иш куни ичида Буюртмачи қолган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб- ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради

22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

23. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

24. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

28. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

29. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

30. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

31. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. КАФОЛАТЛАР

32. Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бўтловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

33. Буюртмачи: шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда; Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра угалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу умладан бой берилган фойдани тўлайди.
38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

39. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
40. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки ўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома артлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

41. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

42. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
43. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади
45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва Ҳазначилиқдан электрон шаклда руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга кирилади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ: _____

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

ZOIR MANSUR ХК

Манзил: Иштихон шаҳри Кўрвчи кўчаси №11

Тел: 99-577-86-60

Х/Р: 20208000404445512001

Банк номи: Иштихон т., ДТ Халк банки Иштихон

Ф

МФО: 00735

СТИР: 205899669 ИФУТ: 61110

Рахбар

А. Умиров



Хуқуқшунот имзоси:

Ф.и.ш.

Г. Турдашев

дип. №

00800544. 29.07.2020

Иштихон туман Ҳокимияти

Манзил: Иштихон ш. Иштихон кўчаси

12-уй Тел/факс: 66-629-21-86

Ш/ХВ: 100022860182127013990018051

СТИР: 200743676 ИФУТ: 9700

Иштихон т. бўйича Ҳазначилик Булинмаси

Газна Х/Р: 23403000300100001010

Банк номи: Марказий б. Тошкент ш. ХККМ

МФО: 00014 СТИР: 201122919

Рахбар *С. Негматов*

М.У

